

1-илова

Тендер иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот

1.	Юридик шахнинг тўлиқ номи ва ташкилий ҳуқуқий шакли	
2.	Юридик шахнинг аввалги тўлиқ номи ва ташкилий ҳуқуқий шакли	
3.	Давлат рўйхатидан ўтганлиги бўйича маълумотлар (санаси, рўйхатдан ўтказиш рақами ва рўйхатдан ўтказувчи орган)	
4.	Юридик манзили	
5.	Боғланиш учун телефон рақами, факс, электрон почта манзили (e-mail)	
6.	СТИР	
7.	ИФУТ	
8.	Банк реквизитлари	
9.	Фаолиятининг асосий йўналиши	

_____	_____
<i>(ваколатли шахс имзоси)</i>	<i>(ваколатли шахснинг исми шарифи ва лавозими)</i>

М.Ў.

Сана: «__» _____ 2021й.

ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА ТАЛАБЛАР

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

- 1.1. *Тизимнинг тўлиқ номи: «Uzex money» тўлов тизими.*
- 1.2. *Тизимнинг шартли белгиланиши: «Uzex money»*
- 1.3. *Буюртмачи: “Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси” АЖ*
- 1.4. *Ишлаб чиқиш учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5031-сонли Қарори.*

II. ТИЗИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

- 2.1. *Тизимнинг вазифаси: Юридик ва жисмоний шахсларга тўловларни амалга оширишда қулайликлар яратиш.*
- 2.2. *Тизимни жорий этиш мақсади:*
 - Электрон тўловларни ўтказишда юридик ва жисмоний шахсларга тезкор ва сифатли хизматларни кўрсатиш;
 - тўловлар жараёнида шаффофликни таъминлаш;
 - тўлов жараёнига сарфланадиган вақтни қисқартириш ва тегишли кассаларда вужудга келаётган навбатларга, бунинг натижасида фуқароларга туғдирилаётган ноқулайликларга барҳам бериш;
 - электрон тўловларни жорий этиш.

III. ТИЗИМНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ИШЛАШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- 3.1. *Тизим қуйидаги архитектура асосида ишлаб чиқилиши лозим:*
 - Тизим ядроси;
 - Бизнес логикаси;
 - Маълумотлар базасини бошқариш тизими;
 - Тизимнинг API си (бошқа тизимлар билан боғланиш учун);

- Android va IOS мобил иловалари;
- Админ панель.

3.2. *Тизимда қуйидаги модуллер мавжуд бўлиши лозим;*

- Рўйхатдан ўтиш ва авторизация;
- Созлаш;
- Админ панель;
- Тизимдан фойдаланиш ваколатлари ва ҳуқуқлари;
- API модули;
- Тўловлар ва ўтказмалар;
- Картани бошқариш;
- Карта баланси мониторинги;
- Тўловлар тарихи;
- Маълумотномалар (Справочник);
- Тўловлар мониторинги;
- Статистика ва ҳисобот;
- Воситачилик ҳаққини ҳисоблаш модули;
- Хабарномалар модули;
- Электрон ҳамён модули;
- Электрон пуллар модули;
- Кўп-ҳамённи қўллаб-қувватловчи модул;
- Мобил илова модуллари;
- Хавфсизлик модули;

3.3. *Тизим қуйидаги тизимлар билан интеграцияланиши лозим:*

- Автоматлаштирилган банк тизими;
- HUMO процессинг;
- UZCARD процессинг;
- Тўлов агрегаторлари;
- Бошқа ички ва ташқи тизимлар.

3.4. *Тизимнинг асосий функциялари қуйидагича бўлиши лозим:*

- Тўловларни онлайн қабул қилиш ва тўлов маълумотларини қайта ишлаш;
- Пластик карталар қўшиш;
- Пластик карталарни бошқариш;
- Тўловлар мониторингини бошқариш;
- Cashback;
- Картадан картага ўтказмалар;
- Ҳисоб рақамларга тўловлар;

- Биржа ҳисоб-варақларини тўлдириш;
- Виртуал карталарни бошқариш;
- Мижоз ҳатти-ҳаракатларини қайд этиб бориш (логгирования)
- Электрон тўловларни амалга ошириш (коммунал тўловлар, жарималар, давлат хизматлари ва бошталар);
- Интернет магазинларда тўловларни амалга ошириш;
- Тўловни режалаштириш (агар созламаларда сана олдиндан белгилаб қўйилган бўлса, тизим автоматик равишда сизни тўлов тўғрисида хабардор қилиши ёки пул маблағини ечиб олиши).

3.5. *Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар:*

Тизим хавфсизлиги қуйидаги стандартларда келтирилган талабларга жавоб бериши керак:

О‘з DSt ISO/IEC 13335-1, О‘з DSt ISO/IEC 15408-1, О‘з DSt ISO/IEC 15408-2, О‘з DSt ISO/IEC 15408-3, О‘з DSt ISO/IEC 27001, О‘з DSt ISO/IEC 27002

3.6. *Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар:*

- Биржанинг брендини ҳисобга олган ҳолда веб-интерфейс ва мобил иловалар учун дизайнни ишлаб чиқиш;
- Тизимдан фойдаланиш қулай бўлиши учун тизимдаги веб-интерфейслар минимал даражада юкланган бўлиши;
- Фойдаланувчилар интерфейси ўзига хос услубда тайёрланган бўлиши;
- Фойдаланувчи интерфейси қулай, интуитив равишда тушунарли қилинган бўлиши лозим (минимум ўтишлар ва босишлар).

3.7. *Лингвистик таъминотига қўйиладиган талаблар:*

Дастурлаш тиллари бўйича: тизимни ишлаб чиқиш юқори даражали дастурлаш тилларидан фойдаланиш талаб этилади.

Тизимда ишлаш 3 тилда ташкил этилиши керак: ўзбек (лотин), рус тили ва инглиз тили.

3.8. *Тизимда фойдаланиладиган технологияларга талаблар:*

Бэкенд қисми: Java, Spring framework

Фронтэнд қисми: React

Маълумотлар базаси: MySQL, Postgresql

Мобиль иловалар: Android – Java, IOS - swift

Интеграция қисми: SOAP, REST API

3.9. *Тизимни модернизация қилиш ва ривожлантириш имкониятлари бўйича талаблар*

Тизимни тузилиш ва таркиб бўйича туб ўзгартиришларсиз модернизация қилиш ва ривожлантириш имконияти бўлиши керак, зарур ҳолларда замонавий, юқори самарали технологиялардан фойдаланилиши керак.

Мавжуд ишланмага янги имкониятларни қўшиш имкони бўлиши керак.

IV. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД ТАЛАБЛАР

4.1. Ишлаб чиқиладиган (бажариладиган) интеллектуал мулк натижаларига бўлган барча ҳуқуқлар Буюртмачига тегишли.

Интеллектуал мулк тушунчасига қуйидагилар киради:

- ихтиролар, патентлар, савдо белгилари ва савдо номлари;
- технология, ноу-хау;
- муаллифлик ҳуқуқи;
- компьютер ва дастурий таъминот;
- техник лойиҳалар, маълумотлар, режалар, усуллар, технологик жараёнлар, технологик кўрсатмалар.

4.2. Ижрочи Буюртмачига ишлаб чиқиладиган дастурий таъминотдан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқни тақдим этиши шарт.

V. ЛОЙИҲА-ТЕХНИК ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҲУЖЖАТЛАРИГА ОИД ТАЛАБЛАР

5.1. Ишлаб чиқиладиган ҳужжатларга Ижрочининг тўлов тизим бўйича лойиҳа-техник ҳужжатлари («Uzex money» тўлов тизимини техник лойиҳаси) киради.

5.2. Ижрочи Буюртмачига ишлаб чиқилган тизимнинг манбаа коди (source code) ни тақдим этиши шарт.